

477 - وَعَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ أَمْشِي مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَرَّةٍ بِالْمَدِينَةِ، فَاسْتَقْبَلَنَا أَحَدٌ، فَقَالَ: «يَا أَبَا ذَرٍّ»، قُلْتُ: لَبَّيْكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَقَالَ: «مَا يَسُرُّنِي أَنَّ عِنْدِي مِثْلَ أَحَدٍ هَذَا ذَهَباً تَمْضِي عَلَيَّ ثَالِثَةً وَعِنْدِي مِنْهُ دِينَارٌ، إِلَّا شَيْءٌ أَرْصَدُهُ لِدَيْنٍ، إِلَّا أَنْ أَقُولَ بِهِ فِي عِبَادِ اللَّهِ هَكَذَا، وَهَكَذَا» عَنْ يَمِينِهِ، وَعَنْ شِمَالِهِ، وَعَنْ خَلْفِهِ، ثُمَّ سَارَ فَقَالَ: «إِنَّ الْأَكْثَرِينَ هُمُ الْأَقْلُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِلَّا مَنْ قَالَ هَكَذَا، هَكَذَا، وَهَكَذَا» عَنْ يَمِينِهِ، وَعَنْ شِمَالِهِ، وَمِنْ خَلْفِهِ «وَقَلِيلٌ مَا هُمْ»، ثُمَّ قَالَ لِي: «مَكَانَكَ، لَا تَبْرُحْ حَتَّى آتِيكَ».

ثُمَّ انْطَلَقَ فِي سَوَادِ اللَّيْلِ حَتَّى تَوَارَى، فَسَمِعْتُ صَوْتاً قَدِ ارْتَفَعَ، فَتَخَوَّفْتُ أَنْ يَكُونَ أَحَدٌ عَرَضَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَرَدْتُ أَنْ آتِيَهُ فَلَكَّرْتُ قَوْلَهُ: «لَا تَبْرُحْ حَتَّى آتِيكَ» فَلَمْ أَبْرُحْ حَتَّى آتَانِي، فَقُلْتُ: لَقَدْ سَمِعْتُ صَوْتاً تَخَوَّفْتُ مِنْهُ، فَلَكَّرْتُ لَهُ، فَقَالَ: «وَهَلْ سَمِعْتَهُ؟» قُلْتُ: نَعَمْ، قَالَ: «ذَلِكَ جَبْرِيلُ آتَانِي فَقَالَ: مَنْ مَاتَ مِنْ أُمَّتِكَ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئاً دَخَلَ الْجَنَّةَ، قُلْتُ: وَإِنْ زَنَى وَإِنْ سَرَقَ؟ قَالَ: وَإِنْ زَنَى وَإِنْ سَرَقَ» مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ، وَهَذَا لَفْظُ الْبُحَارِيِّ [خ 6444، م 94 فِي الزَّكَاةِ، بَابُ التَّرْغِيبِ فِي الصَّدَقَةِ].

477. Абу Зарр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Мен Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга Мадинанинг Ҳаррасида\* кетаётган эдим, Қаршимиздан уҳуд кўринди. Шунда у зот: «Эй

**Абу Зарр»,** дедилар. Мен: «Лаббай, эй Аллоҳнинг расули», дедим. У зот: «**Агар мана шу Уҳуд тоғидек олтиним бўлса, унинг менинг ҳузуримда уч кеча бўлса ҳам бир динор қолиши хушнуд этмайди. Фақат қарзимга тўламоғим учун етарлисини қолдириб, қолганини Аллоҳ таолонинг бандалари учун ундай ва бундай ҳамда мана бундай қилиб сарф этинглар, деган бўлар эдим»,** дедилар-да, ўнг ва чап ҳамда орқа томонларига ишора қилдилар, сўнгра йўлга равона бўлиб, «(Дунёни) **кўпайтирувчилар Қиёматда (савобини) камайтирувчилардир, лекин мол-дунёсини ундай ва бундай ҳамда мана бундай, яъни ўнг ва чап ҳамда орқаларидан эҳсон қилувчилар ундай эмаслар. Улар кам сонли бўлишади»,** дедилар, кейин: «**Мен келгунимча ўрнингдан жилмай тур»,** деб тун қоронғусида кўздан ғойиб бўлдилар. Бироздан кейин бир товушни эшитиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бирор кор-ҳол бўлмасайди, деб кўрқиб, бормоқчи ҳам бўлдим-у, аммо «**Ўрнингдан жилмай тур»,** деб айтган сўзлари ёдимга тушиб бормадим. Қайтиб келганларидан сўнг: «Бир овозни эшитиб хавотир олдим», деб воқеани эслатдим. У зот: «**Ҳақиқатда эшитдингми?»** дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. У зот: «**Бу Жаброил алайҳиссалом эди. Менга келиб: «Умматларингдан қайси бири Аллоҳ таолога бирор нарсани шерик қилмай вафот этса, жаннатга киради»,** деб айтди», дедилар. Шунда мен: «Агар зино ва ўғирлик қилса ҳамми?» десам, у зот: «Агар зино ва ўғирлик қилса ҳам», дедилар».

*Муттафақун алайҳ. Бу лафз Бухорийники.*

**Шарҳ:** Ҳарра – қотиб қолган лавадан ҳосил бўлган, Мадинани шарқий ва ғарбий томондан ўраб турган қора тошлоқ.

Ушбу ҳадисда тавҳиднинг, Аллоҳга ширк келтирмасликнинг фазли ҳақида ҳам сўз кетмоқда. Албатта, тавҳид ақийдаси улкан шараф ва бахт-саодат эканлигида ҳеч шубҳа йўқ. Бирор нарсани аниқлаб олиш учун қайта-қайта сўраш Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳунинг одатлари бўлганини кўриб турибмиз. Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳунинг зино ва ўғирлик ҳақида қайта-қайта сўрашлари бу иккиси ўша пайтда энг оғир ва энг кўп тарқалган жиноятлардан бўлганидандир.

Уламоларимиз таъкидлашларича, гуноҳлар умумий равишда икки йўналишга бўлинади. Биринчиси, Аллоҳнинг ҳаққини поймол қилиш. Иккинчиси, банданинг ҳаққини поймол қилиш. ...Шунга биноан, ушбу маънодаги ҳадисларни Аллоҳнинг амрларини тарк қилишга далил қилиб оладиганларнинг иши тамоман ботил эканлиги яна ҳам равшан бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳунинг ҳақларида башорат гапларни кўп айтган эдилар.

Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Абу Заррдан кўра тили ростгўй ва вафодорга

осмон соя солмаган ва ер уни кўтармаган. У Ийсо алайҳиссаломга ўхшайдир», дедилар. Бас, Умар унга ҳасад қилгандек бўлиб: «Унинг бундоқлигининг ҳурматини қилайликми, Эй Аллоҳнинг Расули,», деди. «Ҳа, унга шундоқ қилинглр!» дедилар у Зот». (Термизий ривоят қилган).

Албатта, бу ҳадиси шарифда келган гаплар бошқа ҳеч бир саҳобий ҳақида айтилмаган. Шунинг ўзи Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳунинг фазллари қанчалик улуғ эканлигини кўрсатади.

Имом Термизий Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ мени тўрт кишига муҳаббат қилишга амр этди ва У Зот Ўзи уларга муҳаббат қилишининг хабарини берди», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга уларнинг исмларини айтиб беринг», дейилди. «Али улардан биридир», деб уч марта айтдилар. Кейин, Абу Зарр, ал-Миқдод ибн ал-Асвад ва Салмон. У Зот менга уларга муҳаббат қилишни амр қилди ва албатта, Ўзи ҳам уларга муҳаббат қилиши хабарини берди», дедилар». Аллоҳ таоло Ўзининг энг афзал ва энг охирги Пайғамбарига, Мен фалончини яхши кўраман, эй Пайғамбарим сен ҳам уни яхши кўргин, демоғи улкан ишдир. Ушбу ҳадиси шарифда номлари зикр қилинган саҳобаи киромлар ана шундоқ улкан мақомга етишган Зотлар экан. Уларнинг ичида ҳазрати Абу Зарр розияллоҳу анҳу ҳам бор эканлар. Бу ҳадиси шарифдан ҳазрати Абу Зарр розияллоҳу анҳунинг фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эмас, балки Аллоҳ таолонинг ҳузурларида ҳам алоҳида эътиборга сазовор зотлардан эканлиги келиб чиқади. Ушбу нарса улкан фазл бўлмаса, нима ҳам фазл бўлиши мумкин.

#### **Ҳадисдан олинадиган хулосалар:**

- Расулуллоҳ с.а.в.нинг тавозуъликлари.
- Абу Зарр розияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ с.а.в.га нисбатан гўзал одоблари ҳамда у зотга бирор мусибат етмаслигига қилган ҳаракатлари.
- Аллоҳ йўлида инфоқ қилиб, мол-мулкни сақламасликка тарғиб.
- «Лаа илаҳа иллаллоҳ» шаҳодатини айтсагина жаннатга киради деб айтадиганларга раддия. Чунки бу ҳадис фарзлар ҳамда амр ва наҳийлар нозил бўлишидан аввал ворид бўлган.
- Суннат ҳам Аллоҳ томонидан тушган ваҳийдир. Уни Жаброил алайҳиссалом олиб тушганлар. Лекин у тиловат қилинмайдиган ваҳийдир.



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI